



## ТУПРОҚ ҮЮМЛАГИЧНИ ҚАМРАШ КЕНГЛИГИНИ АСОСЛАШ

**Ахметов А.А.** – т.ф.д., профессор, [tractor-v@mail.ru](mailto:tractor-v@mail.ru). “Кишилек хүжалиги машинасозлиги конструкторлик технологик марказы” МЧЖ,

**Остонов Ш.С.** – т.ф.ф.д(PhD), [shuhratostonov2@mail.ru](mailto:shuhratostonov2@mail.ru) «ТИКХММИ» МТУ Бухоро табий ресурсларни бошкариши институти.

**Рұзиев Бекхуз-магистр.** «ТИКХММИ» МТУ Бухоро табиии ресурсларни бошкариши институти.

**Annotatsiya:** Тупроги шўрланган ҳудудларнинг сугориладиган далалаирда экилган экинлар пол олиниб сугорилади. Бунда экинларди сугоришдан олдин механизациялашган усулда бўйлама ва қўл кучида кўндаланг поллар ҳосил қилинади. Биз томонимиздан гўза қаторлар оралигидага қўл кучи урнига механизациялашган усулда кўндаланг поллар ҳосил қиласидиган қурилма ишилаб чиқилди ва унинг тупрокуюмлагични параметрлари гўзаларни ишилаш жараёнида нобуд қилмаслик шартидан асосланди. Бунда 60 см қаторлар оралигидага экилган гўзаларни тупроқ билан кўмиб кетмасдан, сифатли кўндаланг поллар ҳосил қилиши учун тупрокуюмлагичнинг қамраши кенглиги 38 см булиши аниқланди.

**Kalit so‘zlar:** трактор, қурилма, гўза, қаторлар оралиги, пол, кўндаланг пол, тупроқ, тупрокуюмлагич, камраш кенглиги.

**Abstract.** Crops planted in irrigated fields of saline areas are irrigated with soil. In this case, before irrigation of the crops, longitudinal and transverse floors are created by mechanized method. We have developed a device that mechanized cross floors between rows of cotton instead of manual labor, and the parameters of its dryer were based on the condition that the cotton should not be destroyed during operation. In this case, it was determined that the coverage width of the soil compactor should be 38 cm in order to create high-quality transverse floors without soiling the cotton planted in rows of 60 cm.



**Key words:** tractor, device, cotton, row spacing, floor, cross floor, soil, compactor, width of strip.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Бухоро филиали томонидан ғўзани сугориш усуллари буйича утказилган тадқикотларида [1], пол олинмасдан сугорилган далаларда пол олиниб сугорилган далаларга нисбатан қўйидагича фарқлар кузатилади:


1. Ҳосилдорликнинг далани рельефи ва текислигига қараб 15-30 фоизга кам бўлишлиги;
2. Даланинг нотекисликларида шўр парчаларининг ҳосил бўлишлиги;
3. Далада сув йўналишини назорат қилишнинг қийинлиги;
4. Сугориш давомийлигини 1,5-2 кунга ортишлиги;
5. Сув сарфи 20-30 фоизга юқори бўлишлиги.

Шунинг учун Бухоро вилоятида тупроғи шўрланган худудларнинг сугориладиган далалаирдаги ғўза майлонлари пол олиниб сугорилади. Бунда ғўзани биринчи сугоришдан олдин бўйлама ва ҳар бир кейинги сугоришдан олдин кўндаланг полларни ҳосил қилиш, сугоришдан сўнг эса ғўза қаторлари орасига ишлов бериш мақсадида кўндаланг полларни бузиш лозим [2].

Бутунги кунда сугоришдан олдин бўйлама полларни ҳосил қилиш механизациялаштирилган бўлса хам, сугоришдан олдин олинадиган кўндаланг поллар тўлигича қўл меҳнати эвазига амалга оширилиб келинмоқда. Натижада пахта етиштиришда меҳнат сарфини ошишига ва сарф-харажатнинг кўпайишига олиб келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки айрим хўжаликларда қўл меҳнатини механизациялаштириш максадида КЗУ-0.3, ПР-0.5 [3] ёки бошқа бир пол ҳосил қилиш учун мўлжалланган қурилмалар ёрдамида пахта даласида кўндаланг поллар ҳосил қилинмоқда. Бунда кўндаланг поллар ҳосил қилинган йулакда жуда кўп микдорда ғўза ниҳолларини нобуд бўлиши хисобига пахта ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади ва амалиётда тажрибали дехқонлар бу ҳолатда кўндаланг пол олишга йўл қўйишмайди.


Ушбу мұоммани ечиш учун биз ғүза қаторлар оралиғида механизациялашған усулда күндаланг поллар ҳосил қиласынан қурилмасы [5] ишлаб чиқдик.



1-расм. Ғүза қаторлари  
орасыда күндаланг пол  
ҳосил қиласынан қурилма

Қурилма (1-расм) осиш мосламаси 2 билан жиҳозланған асосий рама 6, унга бир-бирига нисбатан ёнма-ён үрнатылған эгат очкичлар 1 ҳамда гидроцилиндр 3 ёрдамида күтарилиб тушириладын тупроқ уюмлагичлар 5 билан жиҳозланған құшимча рама 4 дан ташкил топған бўлиб, тупроқ уюмлагич баландлиги, уни горизонтта нисбатан үрнатилиш бурчаги ҳамда ишчи сиртининг эгрилик радиусини тупроқ уюмлагичларни алмаштириш орқали ўзgartариши имкониятига эга этиб ишланған.

Қурилманинг асосий иш органи тупроқуюмлагич бўлиб, уни қамраш кенглигини (2-расм) асослаш учун тупроқ билан ишлашда унинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш керак.



2-расм. Tuproq uuumlagichni qamrash  
kengligini aniqlash sxemasi

Иш пайтида тупроқ уюмлагич тупроқни қирқиб олиб суриш орқали кўндаланг полни ҳосил қиласди. Тупроқни суриб уюмлаш жараёнида тупроқ уюмлагичнинг олдида юмоловчи тупроқ призмаси ҳосил бўлади ва у тупроқ уюми ҳосил бўлгунга қадар ғўза ниҳолларини кўмиб қўймаслиги керак. Бунинг учун тупроқ уюмлагич ишлаётганда ғўза ниҳолларигача хавфсиз масофани сақлаш керак, унинг катталиги агротехник талабларда назарда тутилган ҳимоя зонасининг қийматлари ва ғўза новдаларининг қатор чизифидан четланиши билан белгиланади.


Демак, тупроқ уюмлагичнинг қамраш кенглиги қатор оралиғи  $B_m$  ни, ҳимоя зонасининг ўлчами  $\Delta$  ни ва ўсимлик ниҳолларининг қатор чизифидан четланиши  $\delta$  ни ҳисобга олганда (2-расмга қаралсин) қуидагича бўлади

$$B_n \leq B_m - 2(\Delta + \delta), \quad (1)$$

бунда:  $B_n$  – тупроқ уюмлагичнинг қамраш кенглиги, см.

Агар (1) ифодадаги қатор ораликлари ва ҳимоя зонасининг катталиги агротехник талаблардан келиб чиқишини ҳисобга олсақ, у ҳолда номаълум бўлиб қолган катталик - ўсимлик ниҳолларининг қатор чизифидан четлашиб миқдори қуидаги мулоҳазалардан аниқланади.

Ғўза чигитларининг аниқ, туғри чизиқли экилганига қарамай, уларнинг кўчатлари чизиқга нисбатан у ёки бу томонга бироз оғиш билан ўсиб чиқади, бунга экиш жараёнида чигитнинг туғри чизиққа нисбатан жойлашиш холати сабаб бўлади. Экилган уруғнинг ниши тупроққа қадалиб илдиз отиши билан (3-расм, а) уруғларнинг жойлашишига қараб туғри чизиққа нисбатан оғиш пайдо бўлади [5].





а – униб чиқиши жараёнининг кетма-кетлиги; б – илдизнинг чигит қобигидан ажралиб тушиши; в – ниҳолларнинг тупроқ билан ўзаро таъсири; г – чигитнинг униб чиққан ҳолати


### 3-расм. Чигитининг униб чиқиши жараёни

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, экилаётган экин қаторнинг жойлашув чизигига нисбатан экиш жараёнида уруғлар тасодифий шаклда жойлашган бўлиб, уларнинг ичидаги уруғлардан ўсиб чиқаётган ниҳолларнинг қаторнинг жойлашув чизигига нисбатан оғишига жиҳий таъсир кўрсатдиган қўйидаги бешта характерли ҳолатини [5] кўзатиш мумкин (4-расм):

1. Нишлаган уруғ қатор жойлашиш чизигининг симметрия ўқи бўйлаб узунасига жойлашган бўлади.
2. Нишлаган уруғ қатор жойлашиш чизигининг симметрия ўқига нисбатан бир йўналишда узунасига ниши у ёки бў томонга караб параллел жойлашган бўлади.
3. Нишлаган уруғ қатор жойлашиш чизигига нисбатан кўндаланг жойлашган бўлади.
4. Нишлаган уруғ қатор жойлашиш чизигининг у ёки бў томонида ниши билан қатор жойлашиш чизигига қараб жойлашган бўлади.
5. Нишлаган уруғ қатор жойлашиш чизигининг у ёки бў томонида ниши билан қатор жойлашиш чизигига қарама-қарши томонга қараб жойлашган бўлади.

Уруғларнинг қатор жойлашиш чизигига нисбатан қолган барча жойлашиш холатларида уларнинг ниҳоллари ўсиб чиқишидаги оғиши ушбу характерли холатлардаги оғишилар оралиғида бўлади.

Қабул қилинган тахминларга асосланиб, қатор симметрия ўқидан уруғларнинг униб чиқишининг минимал ва маҳсумал оғишини аниқлаймиз.



#### **4-расм.Уруғларнинг экиш қаторига нисбатан жойлашиши холатлари**

Уруғларнинг униб чиқишининг минимал оғиши уруғлар қаторнинг симметрия чизиги бўйлаб узунасига жойлашганида, яъни 1-холатда содир бўлади (4-расм, а). Бундай холатида уруғларнинг илдизи қаторнинг симметрия ўқ чизиги  $O$ - $O$  бўйлаб жойлашган бўлиб, улар амалда ўзора бир-бирига устмуст тушади. Демак, амалда ҳеч қандай оғиш бўлмасдан, унинг қиймати нолга тенг бўлади

$$\delta_1 = 0, \quad (2)$$

2-холатда, яъни у ёки бу йўналишда узунасига жойлашган уруғлар қаторнинг симметрия ўқидан қалинлигига тенг микдорда силжитилганда, ўсимлик ниҳолларининг тўғри чизиқли жойлашувдан оғиш микдори уруғларнинг қалинлигининг ярмига тенг бўлади.

$$\delta_2 = \frac{h_c}{2}, \quad (3)$$



бунда  $h_c$  – ўсимлик уруғининг қалинлиги, мм.

3-5-холатларда, яъни нишлаган уруғ экин қаторига нисбатан кўндаланг жойлашганда, четланиш катталиги уруғларнинг экин қаторини симметрия ўқи  $O-O$  га нисбатан қандай жойлашганга боғлиқ бўлади (3-расм, б, в, г).

Кўндаланг жойлашган уруғнинг маркази қаторнинг симметрия ўқи  $O-O$  га тўғри келганда (3-расм, б), ўсимлик ниҳолларининг тўғри чизиқли жойлашувдан оғиши уруғларнинг ярм узунлиги билан гипокотилни узилгининг иғиндисига teng булади, яъни

$$\delta_3 = \frac{l_c}{2} + l_e, \quad (4)$$

бунда  $l_c$  – ўсимлик уруғининг узунлиги, мм;

$l_e$  – гипокотил узунлиги, мм.

Агар кўндаланг жойлашган уруғ қаторлар жойлашиш чизигининг симметрия ўқи  $O-O$  томонига ниши билан жойлашган бўлса (3-расм, в), ўсимликнинг тўғри чизиқли жойлашувдан четланиш миқдори қуидагича бўлади

$$\delta_4 = l_e. \quad (5)$$

Агар кўндаланг жойлашган уруғ қаторлар жойлашиш чизигининг симметрия ўқи  $O-O$  га нисбатан ниши билан қарама-қарши йўналишда жойлашган бўлса (3-расм, г), ўсимликнинг тўғри чизиқли жойлашувдан четланиш миқдори қуидагича бўлади

$$\delta_5 = l_c + l_e. \quad (6)$$

Олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили қаторлар жойлашиш чизигининг симметрия ўқи  $O-O$  га нисбатан ўниб чиқсан ғўза ниҳолларининг минимал оғиши 1-холатда содир бўлиб, у нолга тенгdir, максимал оғиши эса 5-холатда содир бўлиб, унинг қиймати (6) ифода билан аниқланади.

Демак қаторлар жойлашиш чизигининг симметрия ўқи  $O-O$  га нисбатан ўниб чиқсан барча ғўза ниҳолларининг ўртача оғиши ғўза ниҳолларининг максимал  $\delta_{max}$  ва минимал  $\delta_{min}$  оғишлари оралиғида бўлади ва у қуидаги ифодадан аниқланади



$$\delta_{cp} = \frac{1}{2}(l_c + l_s), \quad (7)$$

(7) ифодадан кўриниб турибдики ўсимликларнинг қаторлар жойлашиш чизигининг симметрия ўқи  $O-O$  дан оғиш микдори кўп жиҳатдан уруғларнинг катталигига ва уларнинг жойлашишига боғлиқ. Г.М.Рудаковнинг таъкидлашича [6] ғўза навларига қараб чигитнинг узунлиги 7,0 дан 10,5 mm гача, қалинлиги  $h_c = 4-5$  mm оралиғида бўлади.

Масалан, уруғ узунлиги  $l_c = 10,5$  mm [4] ва унинг экспериментал аниқланган гипокотил узунлиги 7,2-16,5 mm оралиғида, ўртacha 11,85 mm бўлганда ниҳолларнинг қаторлар текислигидан ўртacha оғиши (7) га мувофиқ 11,17 mm ни ташкил қиласди, буни тупроқ уюмлагичнинг қамраш кенглигини аниқлашда ҳисобга олиш керак.

Шундай қилиб, қатор оралиғи  $B_m = 60$  см, ҳимоя зонасининг ўлчами  $\Delta = 10$  см ва ўсимлик новдаларининг қатор чизигидан четланиши  $\delta = 1,11$  см эканлигидан келиб чиқиб тупроқ уюмлагичнинг қамраш кенглигини  $B_n \leq 37,78$  см, яхлитлаб  $B_n = 38$  см деб қабул қиласми.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Рахматов З.Б., Икрамова М.Л. и др. Рекомендации по выращиванию агротехнологии "Бухарского сорта хлопчатника" в почвенно-климатических условиях Бухарской области. – Бухара: «Дурдона», 2019. – 72 с.
- 2.Олимов Х.Х., Абдуалиев Н.Х., Муртазоев А.Н. Пахта етиштиришда сугоришдан олдин буйлама ва қундаланг поллар ҳосил килишнинг ахамияти // Agro ILM. – Тошкент, 2019. – №1(57). – Б. 61-62.
3. Сельскохозяйственная техника. Автомобили /Каталог/. Составители: М.Т.Байиров, С.М.Мамаджанов, М.Н.Олмасов, А.Х.Раджабов, Б.П. Артықбаев, С.Н.Воинов, А.Е.Толыбаев, Б.Ш.Гаибуллаев. – Ташкент: ИМЭСХ, «Muxammad poligraf», 2016. – 480 с.
4. UZ FAP 02144. G‘o‘za qator oralarida ko‘ndalang polar hosil qiluvchi qurilma “Ғўза қатор ораларига кўндаланг пол ҳосил қилувчи қурилма / Ш. Остонов, X. Олимов, А. Жураев, X. Нуриддинов. – Тошкент. – Расмий ахборотнома, 2022. – №12-1(260). – 65 б.



5. Ахметов А.А., Камбарова Д.У. Влияние расположения семян при посеве на величину отклонения ростков растений от прямолинейности ряда // “Qishloq xo’jaligi va transportda innovatsion texnika va texnologiyalar: muammolar, yechimlar va istiqbollar” mavzusidagi Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman – QMII, Qarshi. 2023y. – V. 220-224.
- 6.Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1974. – 244 с.